

ХП. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ


2018 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси 131 768,2 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,5 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 24,2 % га ўсиб, 18085,7 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 13,7 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 4,0 % га ўсиб, 25 496,5 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 19,3 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 88 186,0 млрд. сўми яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 % га кўпайди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 66,9% га тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби, % да (2018 йилнинг январь–декабрь ҳолатига)



2018 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 219,0 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 91,3 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,17 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 131549,2 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 105,4 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,83 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуши Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 22,4 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,5 %, Фарғона вилояти 8,5 %, Самарқанд вилояти 8,5 % ва Андижон вилояти 7,9 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,7 %, Жиззах вилояти 3,3 % ва Қорақалпоғистон Республикаси 3,4 % улуши билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши % ҳисобида



2018 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш суръати 124,2 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, Хоразм вилоятида (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 67,3 % га), Жиззах (63,9 % га), Навоий (46,7 % га), Андижон (43,8 % га), Бухоро (43,6%), Самарқанд (40,6 % га) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.


Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 3588,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 3,2 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 2,7 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 40,9 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,5 %, Бухоро вилояти 6,9 % ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,3 %, Хоразм вилояти 2,3 % ва Жиззах вилояти 2,4 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Чакана товар айланмаси
(умумий овқатланишни қўшиган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2017 йил январь-декабрга нисбатан % да	минг сўм	2017 йил январь-декабрга нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	131 768,2	105,5	3998,4	103,7
Қорақалпоғистон Республикаси	4 438,5	105,8	2391,4	104,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	10 409,5	106,9	3425,1	105,1
Бухоро	8 306,6	106,8	4407,1	105,2
Жиззах	4 352,7	107,4	3251,7	105,4
Қашқадарё	8 851,4	103,7	2782,7	101,7
Навоий	5 459,0	106,6	5650,0	104,8
Наманган	7 826,6	104,7	2871,0	102,7
Самарқанд	11 147,0	105,2	2965,1	103,7
Сурхондарё	8 896,0	104,4	3499,9	102,2
Сирдарё	2 275,5	103,5	2765,5	101,8
Тошкент	13 883,7	104,6	4820,9	103,4
Фарғона	11 212,4	105,3	3070,5	103,6
Хоразм	5 209,8	109,4	2862,2	107,7
Тошкент ш.	29 499,6	105,4	11857,7	103,5


Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини кўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 3,7 % га ошиб, 3 998,4 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-декабрь ойларида 3 245,6 минг сўмни ташкил қилган эди). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларни Тошкент шаҳри (11 857,7 минг сўм), Навоий вилоятида (5 650,0 минг сўм) ва Тошкент вилоятида (4 820,9 минг сўм), энг паст кўрсаткичларни эса Қорақалпоғистон Республикаси (2 391,4 минг сўм), Сирдарё вилоятида (2 765,5 минг сўм) ва Қашқадарё вилоятида (2 782,7 минг сўм) қайд этди.



2018 йилнинг ўтган даври мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,7 фоизни ташкил этиб, 3588,1 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 3,2 фоизга ўсишга эришилди. Бунда жами савдо айланмасининг 85,2 фоиз улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Шунингдек, умумий овқатланиш ташкилотларининг товар айланмасида йирик корхоналар улуши улуши 14,8 фоизни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак энг юқори улуш Тошкент ш. (61,8 %), ва паст улуш Тошкент (15,5%) ва Бухоро (5,6%) вилоятларига тўғри қилмоқда.

**Чакана савдо айланмасида
йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши, %**



2018 йилнинг январь–декабрида улгуржи савдо товар айланмаси 53 155,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,1 % ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 10,5 % га ўсиши кузатилиб, ҳажми 18 414,1 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати ўсган бўлсада, айрим ҳудудларда товар айланмасининг камайиши кузатилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 3,9 % га кўпайиб, 34 741,9 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 65,4 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси

	млрд. сўм	Жамига нисбатан, % да	2017 йил январь-декабрга нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	53155,9	100,0	106,1
Қорақалпоғистон Республикаси	1 117,8	2,1	103,8
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	1 796,5	3,4	117,7
Бухоро	2 104,3	4,0	108,6
Жиззах	1 141,4	2,1	127,2
Қашқадарё	2 346,8	4,4	101,5
Навоий	1 586,9	3,0	187,3
Наманган	1 965,1	3,7	103,8
Самарқанд	3 854,0	7,3	100,2
Сурхондарё	2 077,2	3,9	110,9
Сирдарё	1 144,7	2,2	103,4
Тошкент	5 999,5	11,3	111,1
Фарғона	3 053,2	5,7	102,9
Хоразм	1 226,0	2,3	113,6
Тошкент ш.	23 742,6	44,7	101,4

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

(2018 йил январь-декабрь учун)

	Жами (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да	Йирик корхоналар (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан % да	Кичик корхоналар (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	53155,9	106,1	18414,1	110,5	34741,8	103,9
Қорақалпоғистон Республикаси	1117,8	103,8	458,3	95,7	659,5	110,3
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1796,5	117,7	834,2	128,2	962,3	109,9
Бухоро	2104,3	108,6	799,2	103,2	1305,1	112,2
Жиззах	1141,4	127,2	610,1	210,7	531,3	87,4
Қашқадарё	2346,8	101,5	1104,4	88,4	1242,5	116,9
Навоий	1586,9	187,3	1072,6	320,1	514,3	100,5
Наманган	1965,1	103,8	799,3	112,8	1165,8	98,4
Самарқанд	3854,0	100,2	1166,0	99,6	2688,0	100,4
Сурхондарё	2077,1	110,9	803,1	121,0	1274,0	105,3
Сирдарё	1144,7	103,4	509,1	98,6	635,6	107,5
Тошкент	5999,5	111,1	3784,5	111,8	2215,1	109,9
Фарғона	3053,2	102,9	886,5	103,7	2166,7	102,6
Хоразм	1226,0	113,6	572,0	133,3	654,0	100,6
Тошкент ш.	23742,6	101,4	5014,9	97,0	18727,7	102,6